# Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 3

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Мундарижа


СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ V ПЛЕНУМИ

**Г. Марков.** Партия ва халқ ишига садоқат . . . . . 3
**К. Яшин.** Катта карвон йўлидан . 4
**Ю. Суровцев.** Бирлашган ва кўп миллатли . . . . . 9
**С. Баруздин.** Сизнинг ташвишингиз — бизнинг ташвишимиз . . . 11
**Ғ. Охунов.** Адабиётларимизнинг умумий вазифаси . . . . . 12
**И. Гринберг.** Ўзбек романи юксалишда . . . . . 14
**Қ. Қулиев.** Юксак шеърият. . . . 16
**Ҳ. Ғулом.** Қалбларга ёқилган чироқ 17
**Р. Казакова.** Ижодкорнинг шахсий ибрати . . . . . 19
**Л. Қаюмов.** Танқидчиликнинг муҳим муаммолари . . . . . 21
Пленум кундалиги . . . . . 24
Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг очиқ партия мажлиси . . 25
**У. Умарбеков.** Дамир Усмоновнинг икки баҳори. Қисса . . 26
**Ю. Шомансур.** Устозлар. Достон-қасида . . . . . 88

ЯНГИ НОМЛАР

**Исфандиёр.** Атлас кўйлак. Ҳикоя 109
**М. Бобоева.** Бедорлик. Альбом. Тўй кечаси. Шеърлар . . . 113
**Қ. Убайдуллаева.** Дил қувончи. Э, кўнгил. Шеърлар . . . 115
**З. Рўзиева.** Атласчи қиз. Шеърлар 116

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**В. Зоҳидов.** Оташин интернационалист. 119
**Тамарахоним.** Санъат — саодатим . 120
**Н. Сафаров.** Байроқдоримиз ўзингиз 121
**З. Муҳаммаджонов.** Илҳомбахш сиймо 122
**М. Абдураҳмонова.** Устоз изидан . 123
**М. Иброҳимов.** Марш жанри ва Ҳамза ижоди . . . . . 125

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**Н. Намозов.** Адабий қардошлик жонкуяри . . . . . 130
**Ж. Шарипов.** Хоразм. Роман. Давоми. . . . . 135

ОЧЕРКЛАР

**М. Жалил.** Умр. . . . . 172

САНЪАТ

**М. Аҳмедов.** Халқ хизматида . . 178
**Б. Искандаров.** Совет турмуш тарзи ва театр . . . . . 182

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

**Т. Аҳмедов.** Мунис . . . . . 185

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

**Н. Раҳимов.** Адабиётимизнинг қадрдон дўсти . . . . . 190
**А. Маҳмудов.** Янги ҳаёт куйчиси . 192

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Ғ. Каримов.** Прозамизда тарихий тематика . . . . . 194
**Ё. Яқвалхўжаев.** Насрдаги илк қадамлар . . . . . 210
**О. Жўраев.** Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан-ул-асрор» достони . 215


ТАҚРИЗЛАР

**Р. Аминова.** Акмал Икромов асарлари уч жилдлиги . . . . . 219
**Н. Маллаев, М. Аҳмадбоева, Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Хомидов.** Адабиётшуносликнинг муҳим ютуғи . 223
**Ғ. Ғафуров.** Тақдирни қўл билан яратур одам... . . . . 227
**Б. Акрамов.** Оламнинг бутунлиги . 229
**С. Ядиков.** Табиат шайдоси . . . 230
**И. Отамуратов.** Тавсия этурман сенгаз ўзимни . . . . . 232

ЙИЛЛАР, ҲУЖЖАТЛАР, ВОҚЕАЛАР

**З. Ашурбоев.** Дўстлик карвонлари 234
Маданий хаёт . . . . . 239


www.ziyouz.com kutubxonasi



**ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК**

**Ғулом Каримов,**

филология фанлари доктори, профессор

# ПРОЗАМИЗДА ТАРИХИЙ ТЕМАТИКА

I

Улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький «Бугунги кунни тушуниш ва қадрига етиш учун ўтмишни ўрганиш керак», деган эди. Зеро бугунги кун ўтмиш қўйнида туғилади, ундан униб, ўсиб чиқади. Ўтмиш билан бугунги кун ўртасида шундай боғланиш, робита — алоқа борки, бу робита — боғланишни дарахт билан уни тутиб ва озиқлантириб турган илдизига ўхшатса бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ўтмишсиз бугунги кун йўқ, бугунги кунсиз эса келажак йўқ. Инсоният шундай туташ, кўринмас иплар билан боғланган бир бутун ҳаёт кечиради: ўтмишга суяниб бугунги кунни яратади, бугунги кун ютуқларидан, янгиликларидан фойдаланиб келгусига кўприк қуради. Шу маънода биз кечаги, бугунги ва эртанги одамлармиз. Шу маънода инсониятнинг ўтмиш маданияти бугунги маданий ҳаёти билан, унинг келгусидаги порлоқ истиқболи билан боғланади, бир бутунликни ташкил қилади.

Инсонларда тарихий тафаккурни яратиш, бу тафаккурни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг умумий маданий савиясини ошириш борасида жуда катта аҳамият касб этади. Талантли рус ёзувчиси Алексей Толстой: «Рус халқининг сир-асрорларини, улуғворлигини англаш учун унинг тарихини билиш керак», деган эди. «Русские писатели о литературном труде. Том 4, Ленинград, 1956, стр. 499).

Ҳар қандай касб яхши, лекин ҳамма касб эгалари учун тарихни билиш, кенг маънодаги маданий киши бўлиш учун, мутлақо зарур.

Маълумки, жамият аъзоларини социализм даврининг маданиятли кишилари сифатида тарбиялаш каби шарафли ишда санъат, адабиётнинг алоҳида ўрни бор. Ўтмишнинг энг яхши мисоллари тимсолида, ёш авлодни совет патриотизми ва интернационализми руҳида тарбиялаш масаласида санъатнинг «мўъжизакор таъсир кучи» тўғрисида сўзлаб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПССнинг XXV съездида шундай деган эди:

«Санъатнинг мўъжизакор таъсири билан ёш авлод эса ўз оталарининг ёки осойишта тонг пайтлари Ватан эрки учун мангулик они бўлиб қолган ҳур қизларнинг шижоатига ўзини шерикдек ҳис қилмоқда. Ҳақиқий санъат асари мана шунақа бўлади: ўтмишни гавдалантириб совет ватанпарварларини, интернационалистни тарбиялайди». Шундай қилиб, совет санъати ва адабиётида тарихий тематиканинг майдонга келиши ўзининг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан янги социалистик ижтимоий тузум талаблари билан боғлиқ. Бу темани ишлашдаги бадиий приёмлар эса марксча-ленинча эстетиканинг ижодий принципларига суянади.

II

Ўзбек совет прозасида тарихий тематика жуда эрта, 20-йилларнинг бошларидаёқ қаламга олинди. Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» (1922), «Одина» (1926) повестлари тарихий темадаги илк асарлар эди. Садриддин Айний тарихга мурожаат қилишни кейинроқ ҳам давом эттирди. 1930 йилда ёзилган «Дохунда» асарида С. Айний Бухоро амирлиги зулми остида эзилган тожик ва ўзбек меҳнат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кашларининг мусибатли ҳаётини тасвир қилади. 1934 йилда эълон қилинган «Қуллар» романи эса халқ ҳаётининг юз йиллик давридан, Бухоро амири Амир Ҳайдар замонидан (1825) тортиб, ёзувчи яшаган давригача (1934) бўлган ҳаётдан баҳс этади. Бу узоқ муддатли замон воқеалари уч авлод вакиллари — Раҳимдод, унинг ўғли Эргаш, набираси Ҳасан турмушидан олинган айрим лавҳалар воситасида тасвир қилинади. Беш бўлимдан иборат бўлган бу романда юз йиллик даврни ўз ичига олган мамлакат тарихининг социал хроникаси берилади дейиш мумкин.

Ўзбек совет адабиётида тарихий роман жанрини Абдулла Қодирий яратди. У ўзининг икки романи билан — «Ўтган кунлар» (1925), «Меҳробдан чаён» (1929) тарихий материални бадиий қолипга солиб, замонавий маънодаги тарихий роман яратиш намунасини кўрсатди. Бу фақат ўзбек совет адабиёти учун эмас, балки Урта Осиё халқлари адабиёти тарихи учун катта янгилик, зўр ижодий жасорат эди. Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида тарихий романчилик мактабига асос солди. Талантли қозоқ адиби Мухтор Авезов Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти ва қиймати тўғрисида сўзлаб шундай деган эди: Абдулла Қодирий «...20-йиллар шароитида турк тилларига мансуб бўлган бутун совет адабиёти бадиий прозасида энг катта санъаткор...».

Ўзбек совет адабиётидаги тарихий роман жанрининг бутун адабиётимиз билан биргаликда ўсиши, олға қадам ташлаб бориши табиий ва қонуний эди. 30-йилларга келиб ҳаётимизда рўй берган тарихий ўзгаришлар заминида адабиётимизнинг ғоявий позиция, ижодий-эстетик принциплар жиҳатидан камол топиши тарихий роман жанрида ҳам катта эволюцияни таъмин этди, жиддий янгиликларни келтириб чиқарди. Бу жиҳатдан Ойбекнинг «Қутлуғ қон» (1939) романи характерлидир. Тарихий революцион темада ёзилган бу асар тарихий роман жанри эволюцияси жиҳатидангина эмас, балки бутун ўзбек совет адабиётининг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда муҳим. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асари 20-йиллардаги дастлабки тарихий романларда шу жумладан Абдулла Қодирий романларида рўй берган ижодий нуқсонларга (бош ижобий қаҳрамонлардаги маълум чекланганлик, тарихий воқеаларни чуқур ва кенг кўламда бера билмаслик, халқ оммасини актив яратувчи куч сифатида тасвир қилмаслик в. б.) барҳам берибгина қолмай, айни замонда, ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методининг тантана қилишини таъмин этган катта эпик полотно бўлиб ҳам чиқди.

«Қутлуғ қон» романи Ойбекнинг бадиий кашфиёти ҳисобланади. Бу роман майдонга келгунча ўзбек совет адабиётида сиёсий ўткир, ғоявий чуқур асарлар бор эди (Ҳамзанинг революцион поэзияси, «Бой ила хизматчи» драмаси ва бошқалар.) Иккинчи томондан, ҳаётни кенг эпик формада гавдалантириб берувчи асарлар ҳам мавжуд эди (Абдулла Қодирий романлари ва бошқалар). Лекин мана шу ҳар икки йўлни бирлаштирувчи, эпиклик билан сиёсий ўткирликни ижодий пайванд қилувчи асар адабиётимизда етишмай турар эди. Ойбек 30-йиллар адабиётимиздаги мана шу етишмовчиликни ўз асари «Қутлуғ қон» билан тўлдирди. «Қутлуғ қон» ўткир сиёсий йўналишга эга бўлган чуқур ғоявий ва эпиклик руҳи билан суғорилган юксак бадиий асардир.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» тарихий романи социалистик реализм методининг ўзбек совет прозасидаги биринчи баркамол намунасидир. Ўзбек совет прозасида биринчи мартаба Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида байроқ кўтариб, қўлига қурол олиб, ўз озодлиги учун курашган революцион омма, унинг актив курашчан намояндалари образи гавдаланади. Бу — ҳаётни динамикада, революцион тараққиётда кўрсатишнинг классик намунаси эди. Бу — соцалистик реализм методининг бадиий ижодда тўлиқ намоён бўлиши эди.

Ойбекнинг ўзбек совет адабиётидаги бу ижодий жасорати, бадиий кашфиёти социалистик реализм методининг яратувчиси улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горькийдан ўрганиш натижаси бўлиб чиқди. Ҳаётни революцион тараққиётда, янги озод ва бахтли турмуш учун курашувчи қаҳрамонлар воситасида тасвир қилишда Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи кўп нуқталарда А. М. Горькийнинг «Она» романини эсга туширади, улар ўртасида маълум умумийлик сезилади. Жаҳон адабиётида бадиий тафаккур тарихининг янги саҳифасини очиб берган А. М. Горький ўзбек совет адабиёти юксалишига, унинг шаклланиб, камол топишига жуда катта ва унумли таъсир кўрсатганки, бунинг бир ёрқин мисолини Ойбек ижодида, «Қутлуғ қон» мисолида кўрамиз. Рус адабиётининг намуналик ролини, ижодий мактаб эканлигини Ойбекнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди: «Менинг қаламим рус адабий-бадиий фикрига жуда бурчдордир. Рус адабий мактабидан олган сабоқларим бениҳоя кўп ва қимматлидир. Бу тўғрида муҳтарам ўқувчиларим билан алоҳида батафсил асарим билан гаплашмоқчиман».

Ўзбек совет прозаси тарихий тематикага ўз тараққиётининг кейинги даврларида ҳам мурожаат этиб келди. 1943 йилда ёзувчи Ойбек ўзининг Давлат мукофотига сазовор бўлган «Навоий» романини яратди. Бу роман тарихий тематика имкониятларини, доирасини кенгайтирувчи яхши далил бўлиши билан бирга, кейинроқ, ўзбек адабиётида анча ривожланган тарихий-биографик жанрининг илк порлоқ намунаси бўлиб чиқди. Бутун ижодини тарихий қиссаларга бағишланган ёзувчи Миркарим Осим адабиётимиздаги бу йўлни давом эттириб, Алишер Навоий ҳаё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тидан олинган «Зулмат ичра нур» номи остида иккита повесть ёзди. Ёзувчи Миркарим Осимнинг турли вақтда (50—60—70-йилларда) ёзиб, матбуотимизда эълон қилган «Тўмарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Ўтрор», «Маҳмуд Торобий», «Жайҳун устида булутлар», «Китобга ихлос» номли тарихий қиссалари ўзбек совет адабиётидаги тарихий тематикага қўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади. Ёзувчи Мирзакалон Исмоилий ҳам бу тема ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бир неча китобга мўлжалланган «Фарғона тонг отгунча» номли тарихий романининг биринчи ва иккинчи китоблари нашр этилди.

Романда Фарғона водийсида Ўш билан Андижон шаҳарлари оралиғида жойлашган «Қорабулоқ» қишлоғида 1905—1907 йиллар атрофида бўлиб ўтган воқеалар тасвир қилинади. Романнинг бош қаҳрамонлари ўқимишли, илғор фикрли йигит Ғуломжон билан ўртаҳол деҳқон қизи Ҳаётдир. Роман воқеаси Ғуломжон билан Ҳаёт ўртасида туғилган муҳаббат можаролари билан бошланиб, бу можаро воқеалар ривожида ижтимоий конфликт даражасига бориб етади ва зулмга қарши бош кўтарган халқ курашига Ғуломжоннинг актив иштирок қилиши ва фожиона ҳалок бўлиши билан тугайди. Ҳаёт ҳам турмушда ҳукмронлик қилаётган адолатсизликка чидаёлмай ўз-ўзини осиб ўлдиради.

Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романи тарихий темани ёритишда ўзбек прозасида социалистик реализм методининг давом этдирилганини ва 50-йиллар шароитида ривожлантирилганини кўрсатиш жиҳатидан муҳимдир.

Ўзбек совет прозасида тарихий тематика узлуксиз давом этди. Кейинги давр, айниқса 70-йиллар бу соҳада зўр маҳсулдор йиллар бўлди. Бу йилларда тарихий роман жанрининг, шу вақтгача мисли кўрилмаган, етук намуналари яратилди. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» (1970—1973), Мирмуҳсиннинг «Меъмор» (1971—1974), Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» (1969—1978) тарихий романлари адабиётимиз хазинасининг дурдоналари бўлиб қолди.

Умуман айтганда, ўзбек прозасида тарихий темада сон ва сифат жиҳатидан диққатга созовор бой ва салмоқдор маҳсулот тўпланган. Бу бой маҳсулотни системалаштириш, йиғилган тажрибаларни ўрганиш ва илмий жиҳатдан баҳолаш вақти аллақачонлар келган. Ўзбек адабиётида тарихий роман жанри, унинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи масаласида айниқса, юқорида номлари қайд этилган кейинги романлар характерли ва жуда муҳим материаллар беради. Шунинг учун тарихий роман жанрига хос бўлган масалаларнинг баъзилари устида тўхталиб, китобхонлар диққатини Одил Ёқубов, Мирмуҳсин ва Пиримқул Қодиров романларига жалб этамиз.

## *1. Тарихий романларда халқ образи масаласи*

Тарихий романларга хос проблемаларнинг энг муҳими уларда халқ образини бериш масаласидир. Маълумки, тарихда халқ актив куч. Тарихни яратувчиси ҳам, уни ҳаракатга келтирувчи ҳам халқдир. Тарихга ёндашишда ва уни бадиий формада акс эттиришда марксизм-ленинизм таълимотидаги мана шу илмий ҳақиқат биринчи даражадаги масала ҳисобланади. Албатта, тарихда алоҳида шахс роли масаласи тамоман эътибордан соқит қилинмайди. Ҳамма гап шундаки, алоҳида шахс қанчалик буюк, қанчалик фаол ва маҳсулдор бўлмасин у ўз даври масалалари билан шуғулланади, тарих кун тартибида турган вазифалар учун курашади. Шу маънода алоҳида шахс давр меваси, халқ вакили сифатида майдонга чиқади. Тарихий роман автори омма билан шахс, халқ билан алоҳида қаҳрамон ўртасидаги шу диалектик алоқани, органик боғланишни ҳеч қачон назар-эътибордан қочирмаслиги керак. Зотан жаҳон адабиётида тарихий роман жанрининг яратувчиси ва отаси инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт (1771—1832) ўзининг асарларида тарихий ҳодисаларга мурожаат қилар экан, ҳамма вақт уларни жамиятнинг ижтимоий ҳаёти фонида ёритиш принципига амал қилган эди. Тарихни кенг кўламда, ижтимоий тараққиёт процессида тасвир қилиш ўзўзидан халқ оммасини тарихда актив куч сифатида кўрсатишга, унинг яратувчилик қудратини намоён этишга олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, адабиётимиздаги энг яхши тарихий романлар шу илғор ижодий принципга амал қиладилар, ўз қаҳрамонларини давр меваси, халқ оммасининг узвий бир қисми сифатида тасвир қиладилар. «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи, «Фарғона тонг отгунча» романидаги Ғуломжон образлари халқ етиштирган қаҳрамонлар сифатида романда халқ иши учун курашадилар, халқ ҳаракатига бошчилик қиладилар. Прозамизда кейинги йилларда яратилган тарихий романлар ҳам бу бош масалани муваффақиятли ҳал қилганлар. Бу нуқтага, айниқса, Мирмуҳсин «Меъмор» романида алоҳида эътибор билан қарайди ва халқ образини зўр маҳорат билан чизади. Роман темаси узоқ ўтмишдан, XIV аср давридан олинган бўлишига қарамай, роман воқеалари Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг катта-кичик шаҳарларида, дашт

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва қирларида содир бўлишига қарамай умумий тарихий фон яхши чизилган. XIV аср тарихий шароитининг асосий мазмунини ташкил қилувчи халқ озодлик кураши — хуруфийлар ҳаракати роман воқеаларининг марказида туради. Хуруфийлар ҳаракатининг «Талаба» номи билан юритилган Хорун бўзчи, «Саркарда» номи билан юритилган Абдурашидхон Ҳиравий, «Интиқом» номи билан юритилган Қулмуҳаммадхон, Оллобердихон каби раҳбарлари роман воқеасида бевосита иштирок этадилар ва кўп ўринда сюжет йўналишига актив таъсир кўрсатадилар. Халқ озодлик курашининг иштирокчиларидан оддий халқ вакиллари — Али мешкопчи, Фармонкал, Парфи Сўтакларнинг роман персонажлари қаторидан жой олиши асардаги умумий тенденцияни — асосий диққатни халқ озодлик ҳаракатига жалб этиш тенденциясини яна бир бор таъкидлаб туради. Ҳатто романнинг бош қаҳрамони меъмор Нажмиддин Бухорий Ҳирот саройи билан алоқада бўлишига қарамай мавжуд тартиблардан норозилик кайфиятида юради, хуруфийлар раҳбари Хорун бўзчи билан дўстона муносабат ўрнатади. Роман авторининг хабар беришига қараганда, меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ўғли Низомиддин ҳам хуруфийлар партиясига мансуб бўлиб, сиёсий курашларда актив иштирок этгани учун сарой маъмурлари томонидан қўлга олинади ва Ҳиротнинг Ихтиёриддин қалъасида ҳалок бўлади.

Гарчи «Меъмор» романида, автор таъкидлаганидек, «Қадимги меъморлар санъати» тўғрисида сўзлаш кўзда тутилган бўлса-да, роман воқеаларини туғдирувчи тарихий фон жуда яхши очилган ва автор бу масалани ҳал этишда, ҳақли равишда, халқ оммасининг ҳаётига, курашларига, хуруфийлар ҳаракатига, унинг намояндалари фаолиятига алоҳида эътибор билан қараган.

«Меъмор» романида бошдан-оёқ халқ руҳи ҳукмронлик қилади. Шоҳруҳ салтанатини ларзага келтирган ҳам, «салтанат бекаси» Гавҳаршодбегимни кечалари бедорлик дарди билан тўлғонтирган ҳам шу қудратли халқ руҳи эди. Ўз шеърларида хуруфийлар идеясини тарғиб қилган жўшқин шоир Имомиддин Насимийдан тортиб, шоир Амир Қосим Анвargача, эркин ва ўткир фикрли Лутфийдан тортиб, Шоҳруҳга ташланган қасоскор Аҳмад Лургача шу халқ руҳидан мадад олар эди. Романнинг асосий қаҳрамони халқ оммаси бўлмаса ҳам, ундаги бутун воқеалар оқимидан, сюжет қурилишидан, бош қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатидан, қисқаси романнинг умумий пафосидан халқ нафаси уфуриб туради. Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи ўзида халқ образини муваффақият билан акс эттирган чинакам халқчил асардир.

Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳам халқ образи проблемасини анча муваффақиятли ҳал қилган. Романда ўрта аср халқ озодлик ҳаракатининг яққол кўринишларидан бири бўлган сарбадорлар ҳаракатининг намояндалари, «халқ қасоскорлари» деб юритилган кўзғолончилари, оддий халқ вакиллари — Қаландар Қарноқий, Уста Темур Самарқандий ва бошқалар иштирок этадилар. Романнинг бош қаҳрамонлари Улуғбек ва Али Қушчилар ўз фаолиятларида халққа, шу халқ вакилларига суянадилар, том маъносида улардан мадад оладилар. Роман воқеасининг энг муҳим бурилиш нуқталарида шу халқ вакиллари актив қатнашадилар ва «илм аҳиллари»нинг эзгу ниятларини амалга ошишига ёрдам кўрсатадилар. «Улуғбек хазинаси» романида халқ олижаноб идеялар учун курашувчи, жамиятнинг энг илғор қисмини қўллаб-қўлтиқловчи куч сифатида гавдаланиб туради. Роман қаҳрамонлари эса халқдаги бу юксак ирода ва қудратга ҳурмат ва муҳаббат билан қарайдилар.

Масалан, «Улуғбек хазинаси» романидаги Улуғбекнинг содиқ шогирди, унинг илм-маърифат йўлида ёққан чироғини баланд кўтариб бораётган Али Қушчи халқ муҳаббати ва ғами билан яшар эди. У жафокаш халққа бўлган чуқур муҳаббати ва ҳурматини шундай ифода қилади:

«Зеро, илм аҳлининг ғанимлари бўлмиш мустабид шоҳлар келиб кета берар, аммо бу маскан (Али Қушчининг дўсти Уста Темур Самарқандийнинг тоғ орасида, ғорда жойлашган устахонаси ҳақида гап бораётир — Ғ. К.), бу заҳматкаш халқ абадул-абад ҳаётдир. (Одил Ёқубов — «Улуғбек хазинаси», Тошкент 1974 314-бет).

Ёзувчи Одил Ёқубов романда халқ образини яратишга алоҳида аҳамият билан қарайди. Турли муносабат билан, романнинг турли ўринларида бу масалага қайтади ва уни ранг-баранг формаларда ёритади. Шундай нуқталардан бири қуйидаги эпизоддир:

Али Қушчини ясовуллар Кўксарой зиндонига олиб бораётганларида «юзларига қора чарм ниқоб тутиб, бошларига аёдарма телпак кийган» бир тўда отлиқлар тўсатдан қамишзордан чиқиб ясавулларга ҳужум қиладилар ва Али Қушчини фалокатдан халос қиладилар. Булар «халқ қасоскорлари» эди.

Ёзувчининг тасвир қилишича, бу халқ қасоскорларининг маскани Кўхак қирининг этакларидаги ёнғоқзорнинг орқасида жарликда эди. Уларга Қаландар Қарноқий бошчилик қилар эди. «Қашқир» лақабли Ясовулбошини қўлга туширган ва жазолаган ҳам шу халқ қасоскорлари бўлдилар.

Яна бошқа ўринда ёзувчи Одил Ёқубов кўрсатиб ўтади: Али Қушчи ва Қаландар Қарноқийларнинг дўсти ва улар мақсади йўлида ҳамкори бўлган Уста Темур Самарқандийнинг «жигаргўшаси»— акаси сарбадорларнинг сардори эди.

Келтирилган бу фактлардан шу хулоса чиқадики, прозамизнинг кейинги

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳсули бўлган бу асарларда тарихий роман жанрининг бош масалаларидан бири — халқ образини чизиш масаласи марказий ўринда туради ва алоҳида эътибор билан пухта ҳал қилинади.

Ўзбек совет прозаси халқ образини яратишдаги бу ижодий ютуқни бирданига қўлга киритмади. 20-йилларда ижод этилган тарихий повесть ва романлар билан 70-йилларда яратилган романларни бу масалада бир-бирига қиёс қилсак улар ўртасида катта фарқ борлиги аён кўриниб туради.

20-йиллардаги тарихий романларда халқ пассив куч сифатида тасвир қилинди. Халқнинг оғир мусибатли ҳаёти атрофлича кўрсатилгани ҳолда унинг яратувчилик кучи, тарихдаги роли ва ўрни бу романларда тегишлича баҳосини топмади. Садриддин Айний повестларида («Одина», «Бухоро жаллодлари»), Абдулла Қодирий романларида («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён») шу ҳолни кўрамиз. Уларда халқ вакиллари йўқ эмас. Абдулла Қодирий романларида халқ вакилларидан Уста Олим («Ўтган кунлар»), Сафар бўзчи, Анварнинг акаси Қобил ва унинг дўстлари («Меҳробдан чаён») иштирок этадилар. Лекин улар халқ бахти-саодати йўлида эмас, лоақал ўз тақдирларини, аянчли қисматларини ўзгартиш йўлида ҳам кураш олиб бормайдилар. Уларнинг энг актив ҳаракат қилганлари эса (Қобил ва унинг дўстлари) зулмга қарши ёлғиз исён билан чиқиш, бунтарлик даражасидан юқорига кўтарила олмайдилар.

Халқ образини чизишда 20-йиллар прозамизда кўзга ташланиб турган бу хусусият 70-йилларга келиб кескин ўзгарди, юқорида Мирмуҳсин, Одил Ёқубов романларида кўриб ўтганимиздек, халқ тарихий воқеалар тақдирини ҳал қилувчи, унинг йўналишини ўзгартувчи актив куч сифатида кўрсатилди.

Баъзи ўртоқлар, халқ образини яратиш масаласи тарихий роман муаллифига эмас, балки роман темасининг узоқ, яқинлигига, берадиган материалига, тарихий шароит мазмунига боғлиқ, дейишлари мумкин. Бундай эътироз, албатта, ўринли эмас. Гап даврда, даврнинг узоқ, яқинлигида эмас. Чунки халқ ҳамма вақт мавжуд. Унинг ўз озодлиги йўлида олиб борган кураши ҳам ҳамма вақт бўлган ва бўлади. Ҳамма давр бу масалада бир турли характерга, мазмунга эга.

Демак, гап тарихий роман учун объект қилиб олинган даврнинг узоқ ва яқинлигида эмас, балки ёзувчининг ижодий-эстетик позициясидадир. Ижодий-эстетик масалаларда баркамол, етук позицияда турган ёзувчилар бу масалани муваффақиятли ҳал қилиб берганлари ҳолда, ижодий-эстетик позицияларида етишмовчилиги бўлган ёзувчилар бу масалани ҳал қилишда қийналадилар, камчиликларга йўл қўядилар. 20-йиллар тарихий романлари (Абдулла Қодирий) билан 70-йиллар тарихий романлари (Мирмуҳсин, Одил Ёқубов) ўртасида халқ образини яратиш масаласида содир бўлган фарқ айтганимиздек, тарихий даврларнинг узоқ-яқинлигида бўлмай, роман муаллифларининг ижодий-эстетик позицияларидаги тафовутдан келиб чиқар эди. Уларнинг ижодий-эстетик позицияларидаги бу тафовут эса ўша ёзувчилар яшаб ижод этган давр адабий муҳити, ундаги адабий йўналишларнинг турлича бўлиши ва, ниҳоят, улар дунёқарашларидаги алоҳидалик билан изоҳ қилинади.

Шундай қилиб, матбуотимизда кўп муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган 20-йиллар даври адабиёти масалалари, шу жумладан Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари масаласи, конкрет тарихий шароитда, у шароитнинг адабий муҳити фонида олиб қаралса, ҳамма масала равшан тус олади. Совет платформасида мустаҳкам туриб, социалистик реализм методини эндигина эгаллаб келаётган ёш ўзбек Совет адабиёти бадий ижодиётининг ҳамма масалаларини бутун мураккаблиги билан чуқур ҳал қилишга бирданига улгура олмас эди. У вақтларда адабиётимиз ўсиш, камол топиш, ижодий изланиш қийинчиликларини бошидан кечирар эди. Шунинг натижасида бир қатор ижодий масалалар, шу жумладан тарихий романларда халқ образини чизиш масаласи ҳам кўнгилдагидек ҳал қилинмай, қиёмига етиб пишмай қолган эди. 20-йиллар даври адабиётимиздаги бу умумий вазиятдан, шубҳасиз, Абдулла Қодирий қочиб қутула олмас ва ўз ижодида айрим масалаларда истар-истамас баъзи камчиликларга йўл қўйишга мажбур эди. Юқорида қайд қилинган тарихий романларда халқ образини бериш масаласидаги камчиликнинг асл сабаби шунда эди. Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг илк талантли намояндаларидан бири сифатида социалистик реализм позициясида турган ва уни эгаллашда ижодий қийинчиликларни енгиб ўтган ёзувчидир.

## 2. *Тарихий факт, бадиий тўқима ва унинг меъёри масаласи*

Тарихий роман жанрининг бир неча турлари бор. Улар тематик жиҳатдан тарихий-революцион, тарихий-биографик, тарихий этнографик, тарихий-маиший ва бошқа турларга бўлинади. Тарихий романларни яратишда ёзувчиларнинг қўллаган усуллари тарихий фактларга муносабатлари жиҳатидан ҳам тарихий романлар бир-бирларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

фарқ қиладилар. Чунончи, умумий тарихий фонни асосга олиб, ёзувчи фантазиясида яратилган воқеаларни тасвир қилувчи тарихий романлар ва конкрет тарихий шахс ёки айрим тарихий воқеага бағишлаб, бутунисича шуни тасвир қилишга бағишланган тарихий романлар. Тарихий романларнинг бу ҳар икки тури ҳам ўзбек адабиётида мавжуд. Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романлари биринчи гуруҳ тарихий романлар сирасидан бўлиб, уларда умумий тарихий фон қўйнида ёзувчи фантазиясининг меваси ҳисобланган воқеалар содир бўлади, адабий персонажлар ҳаракат қилади. Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари, Миркарим Осимнинг кўп повестлари иккинчи гуруҳ тарихий романларга мансуб бўлиб, уларда ёзувчи бошдан-оёқ тарихий воқеалар, фактлар ва шахсларга асосланади. Бу тур асарларда ёзувчи, айни замонда, ҳам ёзувчи, ҳам тарихчи-олим сифатида ҳаракат қилади, тарихий манбалар, архив материаллари ва бошқа шунинг сингарилари устида иш олиб боради.

Баъзи адабиётшунослар бутунисича тарихий шахс ёки тарихий воқеа тасвирига бағишланган соф тарихий романларда катта проблемаларни, муҳим ижтимоий идеяларни илгари суриб бўлмайди, бундай имкониятлар фақат фантазияга эрк берилган тарихий романлар учун хосдир, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, муҳим проблемаларни қўйиш, йирик ижтимоий идеяларни илгари суриш фантазияга, бадиий тўқимага эрк берилган тарихий романларда қандай амалга оширилса, худди шундай муваффақият билан уларни тарихий фактларга изчил суянган соф тарихий романларда ҳам амалга ошириш мумкин. Бу ўринда ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романини эсга олиш кифоя. Роман конкрет тарихий воқеа, конкрет тарихий шахс ҳаёти тасвирига бағишланган бўлишига қарамай унда ёзувчи катта ижтимоий идеяларни илгари суради.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихий романларнинг мазмуни ва характерига қараб, бундай группаларга бўлиш — соф, изчил тарихий романлар ва фантазияга эрк берган тарихий романларга ажратиш шубҳасиз, шартли ҳисобланади. Уларнинг биринчисидаги хусусият иккинчисига қисман ўтиши ёки аксинча бўлиши ва ёки ҳар икки хусусият бир асарда баробар келиши ҳоллари учраб туради. Дарҳақиқат, адабий фактлар шуни кўрсатиб турадики, мутлақо ёзувчи фантазиясиз умуман бадиий асар, шу жумладан тарихий роман бўлмаганидек, тарихий фактларга, материалларга мутлақо мурожаат қилмаган тарихий роман ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳамма гап тарихий роман муаллифи бу икки элементдан — тарихий факт ва фантазиядан, бадиий тўқимадан моҳирлик билан фойдаланишига ва бадиий асар тўқимасида улар таносибини, меъёрини сақлай билишига боғлиқ. Бу масалада тарихий роман муаллифи зиммасига алоҳида масъулият тушади. Агар умуман ёзувчи фантазияга истаганча эрк бериб, хоҳлаганча ва керак бўлганча бадиий тўқималар яратиб, ўз асарини безаса, тарихий роман муаллифи бундай қилолмайди, у тарихий давр хусусиятлари, тарихий воқеа шароити билан маълум даражада чекланган, уларни ҳисобга олиб иш кўришга мажбурдир. Шундан тарихий романларда бадиий тўқиманинг ўрни ва меъёри масаласи келиб чиқади.

Бадиий тўқиманинг тарихий асардаги миқдори ва чегараси масаласини аниқ белгилаб бўлмайди. Лекин умумий қоида шуки, бадиий тўқима тарихий ҳақиқатга, тарих мантиқига зид тушмаслиги керак.

Маълумки, ҳаётда турлича қимматга ва аҳамиятга эга бўлган фактлар учрайди. Тарихда ҳам шундай. Жамият ҳаёти учун, тарих оқими учун характерли бўлмаган, кам аҳамиятли фактлар ва тарихни ташкил қилувчи, жамият ҳаётининг моҳиятини белгилаб берувчи фактлар. Мана шу иккинчи турли фактлар жиддий тарихий романлардаги бадиий тўқима учун асос ҳисобланади. Тарихий романлар автори тарихий воқеаларни ўзича тўқиб чиқариши ёки тўқиб чиқазилган сохта воқеаларни тарих деб тақдим қилиши мутлақо мумкин эмас. Тарихнинг ўз темир қонуни ва бузилмас мантиқи бор. Ёзувчи ўз ишида тарихнинг мана шу мантиқидан, қонуниятидан четга чиқмаслиги керак, акс ҳолда асар ўз қимматини ва аҳамиятини йўқотади. Шундай қилиб, тарихий роман муаллифи бадиий тўқимага, фантазияга, маълум даражада ҳуқуқи бўлса ҳам лекин фариштани шайтон, шайтонни фариштa қилиб кўрсатишга ҳаққи йўқ.

Ўзбек совет адабиётидаги тарихий романларга шу жиҳатдан назар ташласак, кўпчилик ёзувчилар бу проблемани муваффақиятли ҳал қилганларини кўрамиз. Масалан, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидаги Қаландар Қарноқий, Уста Темур Самарқандий, мавлоно Муҳиддин, унинг қизи Хуршида Бону, Салоҳиддин заргар в. б. ёзувчи фантазиясининг маҳсулоти сифатида ҳаётий чиққанлар. Ўз мазмуни ва моҳияти билан улар тарих мантиқига зид бормайдилар, аксинча асар ғоявий-бадиий йўналишига тўкислик, мукаммаллик бағишлаб турадилар. Худди шундай бадиий тўқимадан ўринли ва моҳирона фойдаланиб муваффақиятли бадиий образлар яратишни Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида ҳам кўрамиз.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи эса тарихий факт билан бадиий тўқима нисбати — меъёри масаласини энг яхши ҳал

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган асар сифатида тақдим қилиниши мумкин. Айтиш мумкинки, «Қутлуғ қон» асари бадиий-ижоднинг ҳамма қонун-қоидаларига тўла риоя қилган ўзбек совет адабиётидаги тарихий романларнинг классик намунаси бўлиб қолди.

Адабиётимизда бадиий тўқима ва тарихий факт масаласини бундай ижобий ҳал қилиниши баробарида баъзи камчиликлар, бу қоидадан баъзан четга чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Ҳасанали образи ҳаётий мазмундан, тарихий ҳаққониятдан маҳрум бадиий тўқимадир.

Тарихий романларда бадиий тўқима масаласига оид қоиданинг яна бир муҳим нуқтаси шуки, бадиий тўқима тарих мантиқига, ҳаётий ҳақиқатга мос келишидан ташқари бадиийлик қонуниятларига ҳам риоя қилиши шарт. Бадиий асар воқеаларида табиийлик, тасвирда самимият, композицияда яхлитлик ва бутунлик бадиийлик қонуниятининг муҳим элементлари ҳисобланади. Ўзбек адабиётидаги баъзи тарихий романлар бадиий тўқимасида бу масалалар муваффақиятли ҳал этилмайди. Масалан, Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романининг бош қаҳрамонлари Ғуломжон билан Ҳаёт қишлоқда ҳавфли вазият туғилгач душманлардан қочиб қишлоқдан чиқар эканлар, кўп ҳам узоқлашмай, қишлоқ чегарасида хилват бир жойга дам олиш учун қўнадилар ва ҳамма нарсани унутиб, икковлон шеърхонлик қиладилар. Шу тахлитда фурсат қўлдан кетади ва орқадан қувиб келаётган душманлар уларни қўлга тушурадилар. Натижада Ғуломжон калтак зарбидан ҳалок бўлади, Ҳаёт эса ўзини-ўзи осиб ўлдиради. Роман воқеаларининг бундай табиий ва ишонарли бўлмаслиги (бевақт ва ўринсиз шеърхонлик) асар бадиий тўқимасини сунъийлаштиради ва романнинг умумий қимматига путур етказади.

Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида композицион яхлитлик қонунининг, маълум даражада, бузилиши ҳолларини ҳам кўрамиз.

1415 йилда Ҳиротда рўй берган катта тарихий воқеа — салтанат эгаси Шоҳруҳга хуруфийлар ҳаракатининг раҳбарларидан Аҳмад Лурнинг суиқасд қилиш воқеаси билан бошланган роман бундан сўнг бадиий тўқимага кенг ўрин беради ва унда ёзувчи фантазиясининг меваси бўлган бош қаҳрамон Нажмиддин Бухорий пайдо бўлади. Роман давомида «Меъмор» деб юритилган бу талантли санъаткор ва пешқадам мутафаккир билан реакцион ҳоким гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, кураш ва конфликтлар, қаҳрамон бошига тушган кулфатлар, унинг аянчли тақдири романнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Шоҳруҳ саройидаги маъмурларнинг сон-саноқсиз ситамлари, хусусан ўғли Низомиддиннинг қатл қилиниши машҳур меъмор Нажмиддин Бухорийнинг жонжонидан ўтиб кетади ва ортиқ Ҳиротда истиқомат қилолмай, ҳовли-жойларини сотиб ўз она юрти Бухорога кўчиб кетишга қасд қилди. Романда Нажмиддин Бухорийнинг Бухорога қилган сафари XXIII бобда «Ҳайдалиш» сарлавҳаси билан бошланиб, XXXVII бобда «Бухоро» сарлавҳаси билан тугайди. Ўн беш бобни ўз ичига олган бу сафар вақтида, шубҳасиз, анча муҳим воқеалар (Меъморга қарши Ҳирот саройида бошланган таъқибнинг сафар вақтида давом этиши сарой маъмурларининг топшириғи билан жосус «Қораилон»нинг Меъмор пайига тушиши, хавф остида қолган Меъмор ҳаётини сафар вақтида хуруфийлар ҳаракатининг бошчиларидан Хорун бўзчи ва унинг дўстлари томонидан ҳимоя қилиб борилиши ва бошқа воқеалар) содир бўлади. Бу воқеалар Ҳиротда Меъмор ҳаётида рўй берган воқеаларнинг мантиқий давоми бўлиб, характерлар ривожида маълум роль ўйнайди ва роман композициясига органик сингиб кетади. Лекин шу сафар давомида Меъмор Қарши шаҳри атрофидаги «Хўжа Муборак» исмли жойда сардоба қуришга киришиб кетади ва бу қурилиш романнинг тўрт бобида, XXXII, XXXIII, XXXIV бобларида («Чўли бобо маскани», «Сардоба», «Мўътадил иқлим», «Мовий гумбаз ичра яна бир гумбаз») тасвир қилинади. Умуман олганда бу бобларнинг маълум ғоявий нагрузкаси (Меъморнинг қурилишга муҳаббати, сардобага халқ эҳтиёжининг зўрлиги, сувга чанқоқлиги) бўлишига қарамай, бу боблар романдаги умумий сюжет динамикасини анча заифлаштиради, асосий воқеалар оқимидан маълум даражада четга чиқади. Бу ҳол эса роман композициясидаги бутунликнинг, яхлитликнинг бузилишига олиб келади.

Ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романида ҳам шу тахлитдаги нуқсонларга — композицион паришонликка дуч келамиз. 1905 йил атрофларидаги халқнинг ҳаётини, курашларини ва революцион ҳаракатларини акс эттиришда тарих мантиқига, ҳаёт ҳақиқатига яхши риоя қилган ёзувчи роман композициясини тузишда бадиийлик қонуниятларига, нима учундир, етарли эътибор бермайди. Масалан, «Фуод Афандининг учирмаси» сарлавҳаси остида «Ҳожи хола» номи билан шуҳрат қозонган бир қиморбоз қизининг саргузаштлари баён қилинади. Мустақил бутун бир қисса тусини олган бу бобда Ҳожи холанинг қизлик вақтида қиморга бой берилиши, қиморбоз эри қўлида кўрган азоблари, эрининг фожиали ўлими, ўзининг ҳажга жўнаши, Арабистонда бошидан кечган кулфатлар, Туркияда Фуод Афандининг фоҳишахонасига тушиб қолиши, у ердаги жирканч ҳаёти, минг тегирмонга тушиб, ўн минг гўлоҳга ўт ёқиб «Ҳожи хола» бўлиб олган хотиннинг ўз юртига қайтиши ва «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» қабилида бу ерда ҳам ўз касбини давом эттириши ҳикоя қили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нади. Романдаги «Малла тўн билан оқ салла ечилганда» боби ҳам шу қиссанинг давоми ҳисобланади. Унда Ҳожи холанинг «Оқ дўппи эшон» билан бирлашиб олиб, кўрсатган найранглари, қилган кирдикорлари баён этилган. Кўриниб турадики, ўз бошланишига, ўз хотимасига эга бўлган «Ҳожи хола қиссаси» мустақил сюжет чизиғини ташкил қилади. У, романнинг асосий темасига кам алоқадор бўлиб, асар композициясида паришонлик, сустлик туғдиради. Умуман Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романида ғоявий нагрузкаси заиф эпизодлар («Шилпилдоқ», «Булоқ бошида» боблари ва бошқалар) анчагина борки, улар асарга ортиқча юк бўлиб, унинг композицион бутунлигини бузади, бадиий қимматига путур етказади.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётидаги тарихий романлар бадиий тўқимасида ҳаёт ҳақиқатига, тарих мантиқига риоя қилиш бобида катта ютуқларни қўлга киритилган ва тарихни бадиий образларда ҳаққоний жонлантиришда муҳим ижодий ютуқларга эришилган бўлса-да, бадиий маҳоратнинг айрим масалаларида ҳали камчиликлар йўқ эмас. Тарихий романларда бадиий тўқима, асарда унинг ўрни ва меъёри, бадиият қонунларига мослиги каби масалалар устида тинмай иш олиб бориш зарурияти сезилиб туради.

## 3. Тарихий шахслар тасвири масаласи

Адабиётимиздаги тарихий романларнинг диққатга сазовор муҳим хислатларидан бири уларнинг улуғ тарихий шахслар қиёфасини — образини яратиш борасида эришган ижодий ғалабасидир. Маълумки, узоқ вақт тарихий шахсларнинг ҳаққоний ва тўлақонли образини чизиш, қиёфасини тиклаш масаласи тўғри изга тушолмай турди, бу борада ноаниқликлар, бир ёқламаликлар давом этиб келди. Адабиётда улар образи, баъзан, идеаллаштирилди, баъзан эса керагича баҳоланмай камситилди, схематизм таъсирида қолиб иш кўрилди. Ҳолбуки, улуғ тарихий шахслар, ҳамма вақт, жуда мураккаб шароитда яшаб фаолиятда бўлганлар, ўз замонларининг оғир, тарихий проблемаларини ҳал қилиш йўлида мардонавор кураш олиб борганлар. Улар ҳаёти курашларга, драматик воқеаларга бой. Шунинг учун улуғ тарихий шахслар ҳаётини тасвир қилганда сокин оқиб борувчи бир планли сюжет чизиғи билан, бир рангдаги бўёқ билан қаноатланиб қолиш тўғри бўлмайди. Улуғ тарихий шахслар ҳаёти доимо ҳаракатда, ўзгариш-юксалишда, фаолияти эса серқиррали, ранг-баранг бўлади. Шу жиҳатдан прозамиздаги тарихий романларга назар ташласак, зўр мамнуният билан, унда катта ижодий ютуқлар борлигини қайд қилишга тўғри келади. Ўзбек адабиётида маданиятимиз тарихининг уч улуғ сиймоси ҳақида учта эпик полотно яратилди: Алишер Навоий, (Ойбек —«Навоий»), Улуғбек (Одил Ёқубов — «Улуғбек хазинаси») ва Заҳириддин Бобир (Пиримқул Қодиров — «Юлдузли тунлар» романлари). Бу романларнинг ҳаммаси учун характерли бўлган энг муҳим хусусият шуки, уларда XV ва XVI аср бошлари тарихий шароити тўлиқ ва ҳаққоний тасвир этилади ва шу тарихий шароитда яшаган бу улуғ зотларнинг мураккаб, руҳий кечинмаларга, драматик воқеаларга бой ҳаёт йўли чизиб берилади. Бу романларда яратилган образлар ҳаракатда, курашда чиниқиб такомиллашиб, ривожланиб борувчи динамикали образлардир. Бу образлар бир планли эмас, ўша тарихий давр арбоблари фаолиятига хос бўлган кўпқирралик, ранг-баранглик бу образларда ҳам акс этади. Бу хусусият халқ иши учун курашган ва бу курашда ҳамма воситалардан — бадиий адабиётдан ҳам, илм-маданият соҳасидан ҳам, йирик давлат арбоби сифатида сиёсий фаолиятдан ҳам баробар фойдаланилган улуғ Алишер Навоийга қандай тааллуқли бўлса, олим ва подшоҳ Улуғбекка, шунингдек, шоир ва подшоҳ Заҳириддин Бобирга ҳам шунчалик тааллуқлидир.

Одил Ёқубов романда Улуғбек образини одамлар бахти-саодати ҳақида қайғурувчи инсон, илм-маърифат йўлига бутун умрини бағишлаган машҳур олим ва давлат ишларини мамлакат ободонлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ташкил қилишга ҳаракат қилган адолатпарвар ҳукмдор сифатида тасвирлайди.

Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли Амур Темурнинг набираси Улуғбек 1410 йилда, Темур вафотидан беш йил кейин, ўз амакивачаси Султон Халил ўрнига Мовароуннаҳр тахтига ўтирди. Улуғбек ҳукмронлиги узоқ давом этди. Қарийб қирқ йил подшоҳлик қилган ва бутун шахсий қобилиятини ва катта давлат қудратини илм-маърифат ривожи йўлига сарф этган Улуғбек 1449 йил 25 октябрда реакционерлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган ўз ўғли Абдуллатиф томонидан ўлдирилди.

Романда Улуғбек ҳаётининг сўнгги йилларига оид воқеалар тасвир қилинади. Роман воқеаси Улуғбекнинг Самарқандда, Оқсаройда талантли шогирди Али Қушчи билан учрашуви ва таҳликали кунлар бошланаётгани — «Мовароуннаҳр осмонида қора булутлар тўпланаётгани» ва баъзи эҳтиёт чораларини кўриш тўғрисидаги суҳбат билан бошланиб, Улуғбек ҳалокатидан сўнг у қолдирган хазинани — китобларни мустаҳкам ғорга беркитгандан сўнг, Али Қушчини Мовароуннаҳрни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарк этиб чиқиб кетиши билан тугайди. Романда тасвир қилинган Улуғбекнинг сўнгги кунлари босиб келаётган фожиадан дарак бериб турар эди. Роман конфликти икки қарама-қарши кучлар ўртасида майдонга келган кескин кураш заминида туғилади. Бир томонда Улуғбек бош бўлган жамиятнинг илғор, прогрессив кучлари — Али Қушчи, Қозизода Румий, Мирам Чалабий, Мансур Коший, Қаландар Қарноқий ва унинг севгилиси Хуршида Бону, Уста Темур Самарқандий ва бошқалар, иккинчи томонда Абдуллатиф, Хўжа Аҳрор Валий, Шайх Низомиддин Хомуш, Хўжа Салоҳиддин заргар, Мавлоно Муҳиддин ва бошқалар. Булар воситасида икки турли принцип, икки турли дунёқараш, эскилик, қолоқлик, мутаассиблик билан илғор тенденциялар ўртасида кураш боради. Ҳамма гап шундаки, Улуғбекнинг бутун эзгу ниятлари билан ўша давр ижтимоий тузуми ўртасида муросасиз зиддият, тубсиз қарама-қаршилик ётар эди. Улуғбек фожиаси шунда эдики, феодал тузуми ҳукмронлик қилиб турган бир шароитда амалга ошиши мумкин бўлмаган мақсадларни у ўз олдига қўйган ва шу олийжаноб ниятлар учун кураш олиб борар эди. Бу нарса, айниқса, Улуғбекнинг ҳукмдор ҳуқуқи, давлат бурчи тўғрисидаги ўй-фикрларида аён кўриниб туради.

Улуғбек ўзи яшаб турган давр ҳодисаларини чуқур таҳлил қилиб, тарих, жамият, унда шахснинг ҳуқуқи ва ўрни каби ижтимоий-фалсафий масалалар устида фикр юритар экан, «бошидаги тожни, тагидаги тахтни илму фунун учун даркор» деб ҳисоблайди ва ўз давлатини илм-маърифат манфаатларига бўйсундирмоқчи бўлади. Маълум даражада утопик характер касб этувчи бу кураш ва интилиш қуйидаги сўзларда ифода этилади.

«Али Қушчи ўйлайдики, Мирзо Улуғбек, салтанат талашмасдан тожу тахтни шаҳзодаларга бериб, илму идрок йўлига ўтса бас, шаҳзодалар уни ўз ҳолига қўядилар, суюкли ишинг билан шуғулла, деб расадхона ва мадрасаларнинг дарвозаларини очиб берадилар. Ҳайҳот! Агарчи фоний олам юмушлари Али Қушчи ўйлагандай осон бўлганида Мирзо Улуғбек бу бевафо ҳокимиятни қачонлар тарк этиб, ўзини суюкли ишига бағишламас эрдими? Бошидаги тож, тагидаги тахт илми фунун учун даркор эканини тушунмаганида, бу совуқ кошонани, гуноҳи азимга ботиб қолган бу ҳарам, шон-шуҳрат ва мансаб ишқида ҳеч бир разолатдан тоймаган бу амирлар, саркору саройбонлар, хурофот ва таассуф ботқоғига ботган дин пешволаридан юз ўгириб, суюкли талабалари орасига, маърифат даргоҳига кетмас эрдими?». (Одил Ёқубов —«Улуғбек хазинаси», Тошкент, 1974, 24-бет).

Мирзо Улуғбекнинг ўтмишдаги Беруний, Форобий, Ибн Сино ва шунинг сингари алломалардан фарқи шундаки, бу алломалар ўз улуғ мақсадлари йўлида ҳукмдорлардан умид қилиб, адашдилар, Улуғбек бўлса ўз ҳокимиятини ўша улуғ йўлга соламан деб адашди. Афсуски, замоннинг ўзгартириш, тарих оқимини янги изга солиш алоҳида кишилар қўлида эмас эди.

Форобийнинг «идеал жамият», Ибн Синонинг адолатли подшоҳ тўғрисидаги таълимотлари изидан борган ва дунёқараши илғор Шарқ фалсафаси руҳида шаклланган Улуғбекнинг фожиаси чуқур тарихий илдизга эга эди. Худди шундай тарихий замин романнинг иккинчи қаҳрамони Али Қушчида сезилмайди. Али Қўшчи XV аср жамиятига хос қарама-қаршиликларни ўзида акс эттирувчи жонли шахс бўлишдан кўра кўпроқ автор идеяларининг тимсолига айланиб қолган.

Улуғбек образини романда ўтмиш алломаларининг бири сингари гавдаланиб туриши, шубҳасиз, ёзувчининг катта ижодий ютуғи ҳисобланади. Тарихий шахслар фаолиятини худди шундай мураккаб тарихий шароит фонида тасвир этиш бошқа тарихий романда — Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида ҳам кўриниб туради. Агар «Улуғбек хазинаси» романида шоҳлик ва олимлик бурчи проблемаси ёзувчи диққат марказида турган бўлса, «Юлдузли тунлар» романида шоҳлик ва шоирлик масаласи биринчи ўринга чиқади.

«Юлдузли тунлар» романида бош қаҳрамон талантли шоир ва йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобир бўлиб, унинг бутун ҳаёт йўли романда акс этади. Бобирнинг пароканда бўлиб, емирилиб бораётган Темур давлатини тиклаш тараддудида Фарғона водийсида олиб борган курашларидан тортиб, Афғонистон ва Ҳиндистон томонларда буюк империя ташкил қилгунча бўлган салкам қирқ йиллик фаолияти роман мазмунини ташкил қилади. Роман воқеаси 1494 йил ёзида Андижон яқинидаги Қувада оддий деҳқон йигити Тоҳир билан унинг севгилиси Робия ўртасида бўлиб ўтган самимий муносабатлар тасвири билан бошланиб, Бобирнинг 1530 йилда Ҳиндистонда, Агра шаҳрида вафот этиши билан тугайди.

Аввало шуни айтиш керакки, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи тарихий биографик характердаги асар бўлиб, турли хил манбалардан фойдаланиш асосида ёзилгандир, унда документализм устунлик қилиб туради. Маълумки, Бобир ҳақида бизгача биографик, илмий-тарихий, адабий-тарихий характердаги бой маълумотлар етиб келган. Бу қимматли материаллар ёзувчи томонидан чуқур ва кенг кўламда ўрганилган. Ёзувчи, айни замонда, тарихчи сифатида ҳам иш кўриб, уларни катта меҳнат ва маҳорат билан бадиий қолипга солган. Натижада тарихий жиҳатдан ишонарли, мантиқий жиҳатдан асосланган бадиий асар майдонга келган. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини катта илмий қимматга эга бўлган тарихий манба сифатида ҳам қараш ва фойдаланиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Юлдузли тунлар» романининг бу бош хусусияти ундаги образларни ҳам тарихан ҳаққоний чиқишини, чуқур мазмундор ва ҳаётий бўлишини таъмин этган. Роман образлари ҳақидаги бу мулоҳаза, биринчи навбатда, унинг бош қаҳрамони Заҳириддин Бобирга тааллуқлидир.

Бобир тўғрисида ёзиладиган ҳар қандай асарга эпиграф қилиб қўйса арзийдиган унинг бир байт шеъри бор:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Дунёда '(«даҳр аро») яхшилик билан ном чиқариш зарурлиги ҳақида Бобир бошқа шеърларида ҳам сўзлайди. Юқоридаги байтни ёзувчи Пиримқул Қодиров ҳам ўз романида келтиради. Шундай қилиб романда Бобир образи ёзувчи томонидан тарихий ҳақиқатга мос равишда, энг гўзал инсоний фазилатларга эга бўлган улуғ ва олийжаноб шахс сифатида тасвир қилинади. Ёзувчи романда Бобир образини чизар экан, уни «кўчки боскан булоқ»қа ўхшатади. Бу оригинал ва табиий гўзал ўхшатишнинг маъноси шуки, булоқ ҳақиқатан ҳам қудратли ва теран илдизли бўлса, уни ҳеч қандай тоғ кўчкиси яксон қила олмайди, у бир ерда кўчки тагида қолса, албатта иккинчи ердан кўз очиб чиқади. Қудратли табиий талантга эга бўлган Бобир ҳам худди шундай, кўчки босган булоқни ёки янги ўзан ахтариб, қирғоғидан тошиб чиққан дарёни эслатади. Романдаги «Тошган дарё ўзан излайди», «Қайта кўз очган булоқ» сарлавҳали бобларда шу мазмун ифода қилинади ва Бобирнинг фавқулодда таланти, тинибтинчимас характери гавдаланиб туради.

Бобир бутун ҳаётида пароканда ўлкаларни бирлаштириш, мамлакатда тинчлик ўрнатиш, халқнинг осойишта тирикчилигини таъмин этиш учун кураш олиб борди. Бобир марказлашган маърифатли давлат тузишни истар эди. Унинг Ҳиндистонга боришдан мақсади ҳам шу эди: «Мен Ҳиндга борсам, уни талаб келиш учун эмас, балки умр бўйи интилиб етиша олмаган орзуларимни ўша ерда рўёбга чиқариш учун бормоқчиман — дер эди. Бобир ўз дўстларига ва давом этарди — қудратли бир давлат тузиб, пароканда ўлкаларни бирлаштириш умидидаман» (Пиримқул Қодиров — «Юлдузли тунлар», «Шарқ юлдузи», 1978, №7, 146-бет).

Бобир талантли ва буюк ҳинд халқига, унинг кўҳна маданиятига зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қараган. У Ҳинд тупроғига қадам қўйиши билан чиқарган биринчи буйруғи ҳиндлар урфу одатига ҳурмат билан қараш, маданий ёдгорликларини эҳтиётлик билан асраш тўғрисида эди. Бобир таъкидлаб уқдирар эди: «Ҳинднинг қадимий маданиятини Беруний қанчалик улуғлаб ёзганини билурсиз. Бу элда истеъдод ва салоҳият конлари ҳозир ҳам беададдир») («Шарқ юлдузи», 1978, № 7, 178-бет). Бобир маданий ҳаётни ривожлантиришга алоҳида эътибор бергани, унинг қуйидаги сўзларидан равшан кўриниб туради: «Самарқанду ва Ҳиротда инқирозга юз тутган маданиятни биз энди Ҳинд маданиятига қўшиб юксалтира олсак... Шунинг ҳаммаси биздин ному нишон бўлиб авлодлар хотирасида қолмасмикин?..» («Шарқ юлдузи», 1978, №7, 179-бет). Бобирнинг бу маданий программаси тарихий факт эди. Бу тарихий ҳақиқатни ҳинд халқининг улуғ фарзанди Жавоҳарлаъл Неру ҳам ўзининг машҳур асари «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида алоҳида таъкидлаб кўрсатиб ўтади:

«Бобир ёқимли ва жозибадор шахс, Уйғониш даврининг ғайратли ва тадбиркор типик ҳукмдори эди. У санъат, адабиётни севар, умуман турмушдан лаззатланар эди. Унинг набираси Акбар эса яна ҳам ёқимлироқ ва жозибадорроқ шахс бўлиб, яна кўпроқ мусбат фазилатларга эга эди.

Афғонлардан маданиятда анча илгари кетган ва анча юқори савияда бўлган мўғуллар (Бобир ва унинг авлодлари кўзда тутилади Ғ. К.) Ҳиндистон тараққиётига яна ҳам кўпроқ таъсир кўрсатдилар» (Джавахарлал Неру — Открытие Индии. Перевод с английского. Москва, 1955, стр. 272).

Жавоҳарлаъл Нерунинг Бобир ва Бобир даври ҳақидаги бу сўзлари муносабати билан роман номидаги «тунлар» сўзига кичик бир изоҳ бериш ўринлига ўхшайди. Неру асарида ва умуман кейинги замон илмида «Уйғониш даври» деб аталаётган Навоий ва Бобирлар даврини тарихимизнинг қора саҳифаси — «тун» деб таърифлаш унча ҳам тўғри бўлмаса керак. Навоий ва Бобирлар санъат ва илм осмонининг ёруғ юлдузлари эдилар.

Бобирнинг халқ бахти, мамлакат иқболи ва маданият равнақи ҳақидаги олижаноб интилишлари унинг поэзиясида яна ҳам равшанроқ намоён бўлади. Ёзувчи Бобирнинг пок табиатли инсон, юксак иродали давлат арбоби сифатида тасвир қилиши баробарида зўр истеъдодли шоир сифатида ҳам кўрсатади. «Юлдузли тунлар» романида Бобир поэзиясининг кўп намуналари келтирилган. Улар Бобир ҳаёт йўлининг турли босқичларидаги шоир аҳволи руҳиясини, кайфиятини ифода этишлари баробарида, Бобирнинг дунёқарашига, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий масалалардаги ўй-фикрларига оид бой материалларни ўз ичига олади. Классик поэзиямизнинг улкан вакили бўлган Бобир шеърлари унинг чуқур ва ранг-баранг маънавий дунёсининг ойнаси бўлиши билан бирга бугунги китобхонларга ҳам зўр эстетик завқ бағишловчи нодир санъат намуналаридир.

«Юлдузли тунлар» романида Бобир образи ички қарама-қаршиликларга эга бўлган кўп планли образ сифатида гавдаланади. Бобир — шоир, Бобир — подшоҳ, маълум даражада, бир-бирига зид принциплар заминида майдонга келадилар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклланадилар. Тақдир Бобирни подшоҳлик тахтига ўтқазди, табиат инъом этган табиий талант эса уни шоирлик даражасига кўтарди. Ҳолбуки, тожу тахт ўткинчи, бевафо, шоирлик бахти эса азалий, умрибоқий эди. Буни Бобир ўша тарихий шароитда борган сари чуқурроқ ҳис этди, воқеалар содир бўлган сари бирин-кетин жанглар, ғалабалар, мағлубиятлар, ватанжудоликлар бошга тушган сари буни аниқроқ англади. Қисмат насиб этган тождорлик Бобир бахтсизлигини, унинг фожиасини ташкил қилар эди. Буни Бобир яхши ҳис этди, унинг тушунчасида ўзгариш рўй бериб, у подшоҳликдан воз кечишга қарор қилди: «Ҳа, мен подшоҳмен — бутун бало шунда, — дер эди у ва давом этарди. — Неки хатолиқ, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби — менинг подшоҳлигимдир» («Шарқ юлдузи», 1978, №7, 204-бет).

Бобирнинг буюклиги шунда эдики, у ҳаёт оқимини, тарих ҳукмини ўзгартирмоқчи бўлди, ўша тарихий шароитда амалга ошиши мумкин бўлмаган мақсад учун курашди. Эгоизм, манфаатпарастлик асосларига қурилган феодал давлат системасини — подшоҳликни бошқа принципларга — адолат принципларига бўйинсундирмоқчи, халқ манфаатига хизмат қилдирмоқчи бўлди. Бу шубҳасиз, ўтмишнинг ҳамма улуғ гуманистларига хос бўлган буюк ва олийжаноб мақсад эди, лекин бу мақсад феодал жамияти шароитида мутлақо амалга ошмайдиган утопия бўлиб, улуғ қалбнинг аччиқ ва беомон адашиши ҳисобланар эди.

Подшоҳлик гирдобида яшаб, у билан олишиб, таҳликали ҳаёт кечириш иккинчи тарихий роман — «Улуғбек хазинаси» романининг қаҳрамони учун ҳам характерли. «Юлдузли тунлар» романида шоҳ билан шоир, «Улуғбек хазинаси»да эса шоҳ билан олим драмаси берилади. Кейинги романда конфликт олимнинг ҳалокати билан ечилган бўлса, аввалги романда шоирнинг подшоҳликдан воз кечиши ва ижоддан нажот ахтариш билан якунланади.

Бобир образидаги бу ўзгариш — метаморфоза романда ёзувчи томонидан мантиқий ниҳоясига етказилади. Тожу тахт бевафолигини англаган Бобир умрининг охирларига келиб, ўз ихтиёри билан тожу тахтни тарк этиб, бутун умидини яратган асарларига боғлайди, абадиятни ижоддан ахтаради:

«Тожу тахт бевафолигини кўпдан бери сезиб юрибмен. Менга вафо қилса, фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин. Ватанимга ўзим қайтолмасам ҳам, асарларим қайтмоғи мумкин» («Шарқ юлдузи», 1978, №7, 202-бет). Бу сўзлардаги улуғ санъаткорнинг ўз асарлари тақдири ҳақидаги башорати бизнинг кунларимизда ўзини тўлиқ оқлади.

Бу айтилганлардан шу хулоса чиқадики, «Юлдузли тунлар» романининг бош қаҳрамони Заҳириддин Бобир тарихий ҳақиқатга мос равишда бутун мураккаблиги, қарама-қаршилиги билан, фожиали тақдири билан ҳаққоний тасвир этилган. Бу билан ёзувчи ўз бадиий асарида Бобир ҳақида илмий адабиётда бўлган тортишувларга, баъзан бир ёқлама, тенденциоз баён қилинган фикрларга барҳам бериб, Бобирнинг ўтмишдаги улуғ арбоблардан бири сифатида баҳолаш масаласини ҳал қилиб берди, дейиш мумкин.

«Юлдузли тунлар» романида XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб фаолият кўрсатган яна бир қатор тарихий сиймолар образига дуч келамиз. Улардан машҳурлари Алишер Навоий, Биноий, Хондамир, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхонлардир.

Алишер Навоий ва Биноий муносабатлари масаласи бир вақтлар илмий адабиётда ҳам, бадиий адабиётда ҳам бир қадар мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлган эди. Уларни бир-бирига зид фигуралар сифатида баҳолашда ўша давр шароити, ўша даврдаги илмий фикрнинг, бадиий тафаккурнинг йўналиши катта роль ўйнаган бўлиши керак. Ёзувчи Пиримқул Қодиров ўз романида бу масалага янгича позициядан туриб ёндашди ва Навоий-Биноий муносабатлари масаласини ўтмишдаги икки улуғ ижодкор ҳамкорлиги тарзида ҳал этди. Биноий ўзининг Алишер Навоийга бўлган муносабати тўғрисида баҳс очиб Бобирга айтади:

«Менинг Алишер Навоийга эҳтиромим чексиз. Фақир у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган пайтларимни эсласам юрагим эзилур» («Шарқ юлдузи», 1978, №5, 156-бет).

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари масаласида ҳам ёзувчи илмда майдонга келган энг сўнгги янгиликларга, ютуқларга суяниб иш кўради. Ёзувчи келтирган янги фактлардан кўриниб турадики, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар бошдан-оёқ бир турли эмас, унинг доғли, кўнгилсиз томонлари бўлгани каби, бу тарихнинг, баъзан ёруғ саҳифалари ҳам бўлган. Хондамир билан Бобир ўртасида Ҳиротда Алишер Навоий истиқоматгоҳи «Унсия»да бўлган бир суҳбат вақтида Хондамир тилидан романдан келтирилган қуйидаги эпизод характерли:

Воқтики, Алишер Навоий ўз «Хамса»ларини тугатгач, унинг бир нусхасини Ҳусайн Бойқарога тортиқ қилдилар. Султон Бойқаро «Хамса»ни ўқиб чиқиб Алишер Навоийни саройга таклиф этдилар ва бутун аъёнлар қошида уни катта ижодий ғалаба билан табрикладилар. Султоннинг яхши кўрган бебаҳо бир оқ отлари бўлар эди, мирохўрга: «Ўшал отни келтиринг!» деб буюрдилар. Сўнг Алишер Навоийга ўгирилиб айтдилар: «Энди сиз шеъриятда менга устоз-пирсиз, мен сизга мурид бўлмоқчиман». Алишер Навоий хижолат билан дедиларким: «Ҳазратим, Сиз подшоҳдурсиз, сизга менинг мурид бўлмоғим даркор». Шу аснода оқ отни олтин анжомлари билан келтирдилар. Султон кулиб туриб, Алишер Навоийдан сўрдиларким:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Агар муридликни ихтиёр қилсангиз, айтингчи, мурид пирнинг амрини бажо келтириши керакми, йўқми?» Алишер Навоий тасдиқ ишорасини қилдилар. Шунда Султон амр этдилар: «Қани бўлмаса отга мининг!» Навоий ҳазратлари ноилож отга миндилар. Сарой аҳли «энди нима бўларкин», деб нафасларини ичларига ютиб сукутга кетдилар. Султон Ҳусайн отнинг жиловидан олиб, етаклаб ҳовлини айлана бошладилар. Ҳамма ҳайрон қолди. Шунда Султон Ҳусайн Алишер Навоийга мурожаат қилиб айтдиларки: «Туркий тилда биринчи бўлиб ёзган улуғ «Хамса»нгиз учун ҳар қандай одам сизга жиловдор мурид бўлса арзийди». Сарой аҳли бу сўзни эшитиб, Султон Ҳусайн ҳимматининг улуғлигига лол қолдилар».

Бу эпизодда Султон Ҳусайннинг Алишер Навоий даҳосига бўлган ҳурмати яхши акс этади. Умуман адабиётшуносликда узоқ вақт ҳукмронлик қилиб келган шоҳни шоирга қарши қўйиш тенденцияси — «Шоҳ ва шоир» концепцияси, ҳозир энди, маълум даражада эскирган, ислоҳга муҳтож. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Султон Ҳусайн билан Алишер Навоий муносабатлари масаласи буржуа шарқшунослари талқин қилганидек, болаликдан бошланган дўстлик, мактабдошлик охиригача силлиқ, осойишта қадрдонлик тусида кечмаган. Ҳирот саройидаги Мажидиддин каби реакционерларнинг уюштирган фитналари, иғволари, душманлик ҳаракатлари натижасида, айрим вақтларда, шоҳ билан шоир ўртасида жиддий тўқнашувлар юз берган, ихтилофлар майдонга келган, шоир баъзан четга суриб ҳам қўйилган. Шундай қилиб, Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий муносабатлари масаласини ҳаракатда, ўзгаришда, турли шароитда турлича тус олиб борган масала сифатида қараш керак бўлади. Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий муносабатлари масаласи алоҳида проблема бўлиб, бу масаланинг тарихи ва этаплари билан шуғулланиш шубҳасиз, роман вазифасига кирмайди.

Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида гавдаланган тарихий шахсларнинг яна бири Шайбонийхондир. Шайбонийхон Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр ерларига бостириб кирган кўчманчи ҳарбий аристократиянинг сардори бўлган. Тарихдан маълумки, бу ҳарбий юришнинг асосий мақсади бой ҳаётга, кўҳна тарихий традицияларга эга бўлган маҳсулдор мамлакатни ғорат қилиш — талаш эди. Романда Шайбонийхон юришлари шу таҳлитда тасвир қилинади. Шайбонийхонга ва унинг қўшин бошлиқларига тажовузкорлик, зўравонлик, қўпол куч воситасида ўз мақсади йўлида ҳаммани пайхон ва ғорат қилиш характерлидир.

Ёзувчи Шайбонийхон қиёфасини атрофлича чизиб беради. У лашкарбоши сифатида дағал ҳарбий куч тимсолидир. Давлат арбоби сифатида эса сиёсатни ишга солади, мақсади йўлида ҳар қандай дипломатик найранглар билан жирканч усуллардан қайтмайди. У ўзини дин ҳомийси сифатида кўрсатишга интилади, гўё кайфу сафога берилиб, диний тақводорликни оёқ ости қилган Темурийларни жазолаш мақсадида юрганини қайта-қайта таъкидлайди. Лекин ўзи айш-ишратдан, фахш ҳаётдан парҳез қилмайди. У қайси вилоятни забт этса, қайси шаҳарни ишғол қилса, у ерларни ғорат қилиб бўлгандан сўнг, шу ернинг гўзал хотин-қизларига, биринчи бўлиб, чанг солади, ошиқлик даъвоси билан шеърий мактублар йўллайди. Романда Шайбонийхоннинг сурбетларча хотинбозлик қилишини кўрсатувчи қатор фактлар келтирилади. Шайбонийхон Самарқандни 1500 йилда истило қилганда Самарқанд ҳокими Султон Али Мирзонинг онаси Зуҳрабегимни ўз ҳарамига олади.

Бобир олти ой давом этган қамалдан сўнг Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлган вақтда Шайбонийхон сулх шартларидан бири қилиб Бобирнинг опаси Хонзодабегимни хотинликка сўрайди. У Хонзодабегимга ғойибона ошиқ бўлиб, одатига кўра, унга атаб бир байт шеър ёзди:

Сифатингни эшитиб зор ўлдим,
Ишқинг илкига гирифтор ўлдим.

Худди шундай Тошкентни забт этганда Шайбонийхон Тошкент ҳокими Маҳмудхоннинг ўн олти ёшли қизи Мўғулхонимни зўрлик билан хотинликка олган эди. Шайбонийхон Ҳирот шаҳрини эгаллаганда ҳам ўз одатига содиқ қолди. Ҳирот ҳокими Музаффар Мирзонинг (Султон Ҳусайн ўғли) йигирма ёшли суюкли хотини Қоракўз бегимга ошиқлик даъвоси билан шеър юборди ва уни хотинликка сўради. Бу романда келтирилган фактлар Шайбонийхоннинг на қадар фахш ҳаёт кечирганини кўрсатишга етарли. Шайбонийхоннинг романда чизилган бу қиёфаси тарихий шахс Шайбонийхонни ўзида тўғри акс этдиради ва фаолиятининг моҳиятини ҳаққоний очиб беради. Бу ҳақиқатни тарихий манбалар ҳам кўрсатиб туради. Манбалардан маълумки, Шайбонийхон 1507 йилда Хуросонга кириб Ҳирот шаҳрини ишғол қилганда шаҳар аҳолисига хитобан қуйидаги бир байт шеър билан мурожаат қилган эди:

Қозу, қазию, қўзию, қийз керак,
Эй мардумони Ҳирий барчангиз керак.

Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида тарихий шахслар образи, умуман олганда, реал, тарихий ҳақиқатга мувофиқ равишда чизилган. Бу хулоса шубҳасиз, романнинг бош қаҳрамони Бобирга ҳам тааллуқли. Лекин Бобир образи билан боғлиқ бўлган бир нуқтани қайд этмай ўтиб бўлмайди. Роман композициясида Бобир фаолиятининг ҳамма этапларини — Мовароуннаҳр — Афғонистон — Ҳиндистон қамраб олиниши, шубҳасиз, образ бутунлигини, тўлалигини таъмин этиш учун керак. Бу этапларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

биронтасининг тушиб қолиши образда кемтикликни келтириб чиқариши мумкин. Лекин, гап шундаки, бу этаплар ичида келтирилган айрим деталларни, иккинчи даражали эпизодларни тушириб қолдириш ҳам мумкин эди. Шу йўл билан, автор роман композициясида, ҳозир кўзга ташланиб турган ёйиқликдан, воқеалардаги паришонликдан қутулган бўлар эди. Шунга қарамай, «Юлдузли тунлар» романини «Меъмор», «Улуғбек хазинаси» қаторида прозамизнинг тарихий тематика соҳасидаги сўнгги жиддий ютуғи деб қараш керак бўлади.

## 4. Тарихий романларда тил ва услуб масалалари

Тарихий романларда тил ва услуб масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки роман воқеаси содир бўлаётган тарихий давр колоритини сақлаш, персонаж ва характерларни ўша давр шароитига мос қилиб чизиш ва бошқалар шубҳасиз, асар тилига ва ёзувчи услубига боғлиқдир.

Тарихий романлар тили роман темасига қараб турлича таркиб топади. Роман темаси яқин ўтмишдан олинган бўлса («Қутлуғ қон», «Фарғона тонг отгунча»), у ҳолда роман ҳозирги замон адабий тилида ёзилиши, персонажлар ҳам ҳозирги замон тилида сўзлашиши мумкин. Агар роман темаси узоқ ўтмишдан олинган бўлса («Меъмор», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар»), персонажлар ўша замон тилида сўзлашиши шарт, акс ҳолда тарихий колорит бузилади. Бу ўринда тарихий роман муаллифи икки турли хавфдан сақланиши керак. Биринчиси, тарихий колоритни бераман, деб тилдаги эскиликка берилиб кетиш, ҳозирги замон адабий тилидан тамоман узилиб қолиш, архаизм қули бўлиб қолиш, иккинчиси, архаизмдан қочаман деб, тамоман ҳозирги замон тилига ўтиб кетиш, тарихий колорит масаласини эсдан чиқазиб қўйиш. Демак, тарихий романлар муаллифи тил масаласида архаизм билан тарихий колорит масаласини ижодий туйғу билан сезишлари ва улар ўртасидаги меъёрни ҳис қила олишлари керак. Бу масалада биздаги тарихий романлар яхши традицияга эга. Абдулла Қодирийдан бошланган архаизм билан тарихий колорит меъёрини сақлашдаги муваффақиятли ижодий тажриба Ойбек орқали Одил Ёқубов, Мирмуҳсин ва Пиримқул Қодировларда давом этиб келмоқда. Узоқ ўтмиш ҳаётини XV—XVI асрлар даври ҳаётини тасвир қилишга бағишланган бу кейинги уч роман тилда, хусусан персонажлар тилида тарихий колоритни жуда яхши сақлайди. Бу романларнинг ҳаммасида ҳам персонажлар тили ўша тарихий давр руҳини эсга тушириб туриши баробарида ҳозирги замон китобхонидан узилиб ҳам қолмайди. Масалан, «Улуғбек хазинаси»да Улуғбек билан Али Қушчи ўртасидаги суҳбатдан қуйидаги сўзларни эслайлик:

«— Бор тилагимни боя айтдим, ман ўзимнинг чин бойлигим деб, тожу тахтни эмас, илм-маърифат йўлида қилган хизматларимни, тўплаган илм хазинасини билурмен. Бу бебаҳо хазинанинг тақдири сенинг қўлингдадур, Али. Бу хазина буткул Мовароуннаҳр, эҳтимолки буткул башариятнинг бойлигидир. Мабодо ҳақ таоло бандаи ожизни салтанатдан мосуво қилиб, элда хурофотки авжга минса... Бу хазинани бўлғуси авлодлар учун асраб қолмоқ сенинг ғарданингдадур» (Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси», Тошкент, 1974, 19-бет). Умуман, ҳозирги замон адабий тилида ёзилган бу сўзларда тарихий колорит меъёри яхши сақланган. «Бандаи ожиз», «салтанатдан мосуво» («салтанатдан жудо бўлиш») каби иборалар, айрим феъл формаларининг эски тури («биламан» эмас «билурмен») роман тилининг XV аср шароитига яқинлаштирадиган элементлардандир. Бундай тилда тарихий колоритни меъёрида ўринли сақлашни бошқа романлардан ҳам истаганча келтириш мумкин.

Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романида узоқ давом этган жудоликдан сўнг Бобирнинг ўз опаси Хонзода бегим билан учрашиш эпизодини беради. Афғонистоннинг Қундуз шаҳрида рўй берган бу учрашувда Бобирнинг рафиқаси Моҳим бегим ва уч ёшли ўғли Ҳумоюн ҳам иштирок этадилар. Бобир, Хонзода бегим ва Моҳим бегим ўртасида бўлиб ўтган беҳад чиройли суҳбат улар табиатидаги нафосатни, характерларидаги улуғворликни кўрсатишдан ташқари тарихий колоритни англаш, сезиш жиҳатидан ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ёзувчи ҳикоя қилади:

«Хонзода бегим келинларига яна бир қараб олди-да, кейин Бобирга шўх назар ташлади:

— Толеъ сизга энди кулиб боқибди, амирзодам! Ўзингизга бунчалик муносиб маликани қандай учратдингиз? Моҳим бегим, қаерликсиз?

— Хуросонлик, ҳазрат бегим.

Моҳим бегим Бобирга: «Боғ кўча деворидан гул ташлаганимни айтиб мени уялтириб қўйманг яна!» дегандек илтимос корона қараб олди. Бобир унинг бу қарашидаги маънони сезиб, завқли жилмайди. Сўнг Моҳим бегимнинг Ҳусайн Бойқарога қариндошлиги борлигини, оталари бундан тўрт йил бурун Бадиуззамон Мирзо билан чиқишолмай Ғазнага келиб қолишганини опасига айтиб берди. Бобир Моҳимнинг ота ва оғаларини Ғазнадан Қобулга таклиф қилган, кейин бу ерда Моҳим билан кўришиб унга уйланган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳирот билан Мурғоб оралиғида Ҳазрати Жом деган шаҳар бор, кўрганмисиз? — сўради Бобир опасидан.

— Кўрганман. Улуғ шоир Аҳмади Жомийнинг номларига қўйилган.

— Бегимнинг она авлодлари ана ўшал Ҳазрат Жомийга хеш эканлар. Устоз Абдураҳмон Жомийга ҳамшаҳар эканлар.

Бобир ҳазиломуз кулиб қўшиб қўйди:

— Бегимнинг ўзлари ҳам шундай шеърпарвару шоиршуносларки, Жомий билан Навоийнинг барча ғазалларини ёд билурлар. Аммо биз шеър ёзсак мунаққидлик қилиб нуқсини кўрсатурлар.

Моҳим эрининг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

— Мунаққид бўлмай иложим йўқ, чунки ҳазратим менинг таърифимда кўп муболаға қилурлар.

Хонзода бегим эр-хотиннинг ҳазилкашлигидан завқланиб кулди:

— Лекин таърифингизда қанча муболаға қилсалар ҳам оз!

— Миннатдормен, ҳазрат бегим!— деб, Моҳим энди ҳаяжонли товуш билан гапирди.— Мен сизнинг жасоратингизни, фидойилигингизни ҳазратимдин эшитиб, ўзингизни кўриш орзусида эдим. Тангримга шукур, бугун шу орзум рўёбга чиқди. Ҳазрат бегим, мен сизни афсонавий бир малика деб ўйлар эдим. Бироқ ўзингизни кўрдим-у, сиздаги меҳригиё афсонавий маликаларда ҳам бўлмас, деб ўйладим! Энди уйимизнинг пешгоҳи ҳам, кўнглимизнинг тўри ҳам сизники!» («Шарқ юлдузи», 1978, № 6, 136-бет).

Бу сатрларни ўқиган китобхон ўзини роман персонажлари олиб бораётган суҳбат доирасидà, шу воқеа содир бўлаётган узоқ ўтмиш шароитида ҳис қиладики, бу ёзувчининг тарихий колоритчи сақлашдаги катта ижодий ютуғидир.

«— Жайҳун доимо лойқа оқади, биз шу сув билан Халачга етиб оламиз, ўғлим». Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романидан олинган бу сўзларда географик атамалар («Жайҳун», «Халач») тилдаги тарихий колорит учун хизмат қилади.

Романдаги тарихий колоритни фақат персонажлар тилидагина эмас, балки автор тилида ҳам юзага келтириш мумкин. Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романида Ҳиротнинг «Боғи Сафид»ида Музаффар мирзо томонидан Бобир шарафига берилган зиёфатни шундай тасвирлайди:

«Боғу Сафидда Музаффар мирзо Бобир шарафига катта зиёфат берди. Ҳиротнинг энг зўр пазандалари тайёрлаган ғизол (кийик) кабоблари, иштаҳа очувчи нордон очарлар, моҳича номи билан машҳур бўлган ўта нозик хуштаъм суюқ ошлар Музаффар мирзо меҳмони билан ўтирган тиллакори кўшкнинг юқориги қаватига кетма-кет олиб чиқилмоқда эди» («Шарқ юлдузи», 1978, №6, 109-бет). Кўриниб турадики, автор воқеанинг ўша давр шароитида ўтаётганини кўрсатиш учун, ўша замонга хос овқат турларини Ҳирот саройига хос «тиллакорий кўшклар»ни тилга олади. Бу парча автор тилига ҳам тарихий колоритнинг таъсир қилишини кўрсатиб туради. Автор тилининг бу хусусияти ўз-ўзидан автор услуби масаласига келиб боғланади.

Тарихий романлар ўзига хос услубда ўша тарихий давр тақозо қилган тасвир воситаларида ёзиладилар. Ҳамма тарихий романларда бадиий тўқима билан бир қаторда тарихий экскурслар, манбалардан олинган аниқ, конкрет маълумотлар, тарихий шахслар ҳаётига оид деталлар келтирилади. Бундай тарих билан бадиий тўқиманинг ёнма-ён келиши, шубҳасиз, муаллиф услубида маълум из қолдиради, бадиий тўқима таркибида тарих кўланкаси акс этиб туради. Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи, асосан, бадиий тўқима заминида туғилган бўлса-да бош қаҳрамон меъмор фаолияти XV аср тарихий воқеалари фонида кечади, воқеа давомида Шоҳруҳ, Улуғбек, Лутфий ва бошқа тарихий шахслар пайдо бўлади, ҳатто ёзувчи тарихий ҳодисалар баёнига бағишланган бутун боблар (XLIII боб,— «Тарихга бир назар») яратади. Тарихий романлар муаллифининг бундай тарих билан боғланганлиги унинг услубида аниқлик, фантазияга жуда ҳам эрк бермаслик, романтик парвоздан сақланиш хусусиятларини келтириб чиқаради. «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» каби бутунисича тарихий воқеаларни объект қилиб олган биографик романлар услубида эса бу хусусиятлар бутун кучи ва тўлалиги билан сақланади.

Тарихий романлар услубига хос бўлган яна бир муҳим хусусият уларда этнографик материаллар катта ўрин тутишидир. Тарихий шароит колоритини этнографик деталларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Халқнинг урфу одатлари, расм-русумлари, тўй-маъракалари, базм-томошалари, маиший ҳаёт буюмлари, ҳатто кийим-кечаклари ҳам тарихий воқеа тасвирининг реаллигини, ҳаққонийлигини таъмин этиш учун муҳимдир. Бу жиҳатдан ёзувчи Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи алоҳида диққатга сазовор. Романда меъморчилик асбоблари, материаллари тасвиридан тортиб халқнинг ҳаётига оид эпизодлар — равоч сайли, сардоба қурилиши, халқ ҳашари, қурилиш тугаши шарафига уюштирилган зиёфат, халқ бахшиларининг қўшиқ қечалари ва бошқалар романда алоҳида маҳорат билан тасвир қилинган.

Романларда портрет, пейзаж чизиш ҳам тарихий колоритни сақлаш учун хизмат қилади. Масалан, «Улуғбек хазинаси»да Самарқанднинг куз манзараси шундай чизилади: «Самарқанд боғлари нафис қизил — қирмизи рангга бўялиб, илиқ куз офтобида майин товланиб, эркаланиб ётарди... Ҳар куни бу маҳалда қовун-тарвуз ортилган четан аравалларда деҳқонлар ўтар, эшакларига сават-сават новвот ранг узум ортган боғбонлар, қип-қизил ёнган чойнакдай чойнакдай анорлар, нашвати нок-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар солинган тоғораларни бошларига қўйган йигитлар бозор томон шошилишар, сурув-сурув қўйлар, гоҳида эса қўнғироқларини жангир-жунгур қилиб туя карвонлари ўтиб қоларди...» (Одил Ёқубов — «Улуғбек хазинаси», Тошкент, 1974, 31-бет). Бу парчадаги ёзувчи севиб таърифлаган «новвот ранг узум», «чойнакдай-чойнакдай анорлар», «нашвати ноклар» Самарқанднинг фаровонлиги, мўлкўл файзли куз фаслидан дарак бериб турса, «четан аравалар», «сават ортилган эшаклар», «бошларига тоғора қўйган йигитлар», «сурув-сурув қўйлар», «қўнғироқларини жангир-жунгур қилган туя карвонлари» ўша узоқ ўтмишнинг характерли белгилари сифатида XV аср ҳаётини эсга туширади. Кўриниб турадики, пейзаж адабий асарнинг ғоявий-бадиий йўналиши билан боғлиқ бўлган эстетик категория сифатида, ҳамма вақт, асарда маълум ғоявий нагрузкага эга бўлади, шу жумладан, тарихий романларда ҳам воқеа содир бўлаётган шароит руҳи, мазмуни маълум даражада, пейзажларда акс этиб туради.

Тарихий романларнинг муҳим таркибий элементларидан яна бири портрет чизиш маҳорати масаласидир. Портрет чизиш ёзувчидан катта бадиий талантни ва чуқур психологик билимни талаб этади. Чунки романда содир бўлаётган воқеа мазмуни, романнинг йўналиши, персонажларнинг кайфияти, психологияси персонаж қиёфасида ўз изини қолдиради. Маълумки, киши қиёфаси унинг ички дунёсидаги ҳолатни ойнадек акс эттиради. Бу ҳақиқатни тарихий романларда чизилган портретларда ҳам очиқ кўриш мумкин. Масалан, «Улуғбек хазинаси» романидаги умумий фожиали атмосфера ёзувчи Одил Ёқубовнинг роман бошларида чизган Улуғбек портретида сезилиб туради:

«Устод (Улуғбек) кўзлари ярим юмуқ бошини эгиб, ҳаёлга толиб ўтирарди. Унинг чўзинчоқ қорамағиз юзи сўлғин, кенг пешонаси ва қийғир бурнининг икки ёнидаги ажинлари қуюқлашган, зотан, бутун вужудида, катта ялпоқ кафтларини тиззасига ҳорғингина ташлаб ўтиришида чуқур изтироб, изҳор этиш қийин бўлган теран бир мунг бор эди» (Одил Ёқубов — «Улуғбек хазинаси», Тошкент, 1974, 10-бет). Босиб келаётган фожианинг садолари бу сатрлардан эшитилиб туради. Зотан катта полотноли эпик асарнинг ҳар бир деталида, шу жумладан персонаж портретида ҳам асарнинг умумий руҳини, асар оқимидаги умумий оҳангни таъкидлаб бориш, шу йўл билан китобхонни бир бутун таассурот таъсирида ушлаб туриш фақат катта санъаткорларгагина насиб этадиган ижодий маҳоратдир. Юқорида келтирилган Улуғбек портрети тасвирида ёзувчининг шундай фавқулодда жозибадор ижодий маҳорати намоён бўлган.

Ана шундай хусусиятларга эга бўлган портретга Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида ҳам дуч келамиз. Турмуш аччиқ-чучукларини тортган, ҳоким гуруҳ жафолари остида қадди букилган, суйган халқининг оғир қисматини кўраверіб юракбағри эзилган Нажмиддин Бухорий қариган чоғларида ниҳоятда дилгир ва паришонхотир эди:

«Юз ёшлардан ошиб, мункиллаб қолган меъмор Нажмиддин Бухорий ҳассасига таяниб Бухоро кўчаларида юрарди. Юзини қоплаган соқол-мўйлаби, кўзлари устига ўсиб тушган бароқ қошлари оппоқ оқарган, тарам-тарам суяклардан иборат кўкраги ҳам мадраса оби ғишти каби сарғиш эди. Бошида эски малла ранг салла, устида кўкси очиқ оқ кўйлак-лозим, оёғида кавиш...» (Мирмуҳсин — «Меъмор», Тошкент, 1975, 368-бет).

Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида унинг портрет мастери эканини яққол кўрсатиб турадиган тамоман бошқа руҳдаги, бошқача характердаги портрет тасвири ҳам бор. Ёзувчи XV асрнинг машҳур шоири Лутфий портретини чизар экан, унинг қиёфасини шеърияти каби ёрқин, қудратли ва ёқимли қилиб кўрсатади:

« У (Лутфий — Ғ. К.) Ҳирот яқинидаги Деҳи канор қишлоғида туғилиб машҳур сўфий мавлоно Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф таълимини олганини, «Маликул калом» деган табаррук унвонга мушарраф, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизлар қаторида турадиган айниқса туркий забон пур эътибор одам экани ҳаммага маълум эди. Эллик ёшларга борган, баланд бўйли, ориқ, қорамағиз, қошлари қуюқ, қирра бурунли мулойим ва ҳозиржавоб бу шоир тезда оғиздан-оғизга тушиб кетган. Ўзи инсон сифатида ҳам камтарин, барчага бараварлиги билан шуҳрат топган эди. Ҳамма вақт оппоқ саллани чиройли ўраб, соқол-мўйлаблари текисланган, кийимлари бегард, озода юрарди (Мирмуҳсин —«Меъмор» Тошкент, 1975, 142-бет).

Маълумки, тарихий манбаларда Лутфий ҳақида айниқса, унинг ташқи қиёфаси, хулқ-атвори ҳақида маълумот сақланган эмас. Биринчи мартаба, ёзувчи Мирмуҳсин тасаввурида гавдаланган шоир образи фактик заминга эга бўлмаса ҳам, у тарих мантиқига тўғри келади, шоир ижодидаги умумий тенденциялар билан ҳамоҳанг тушади. Шунинг учун, ёзувчи Мирмуҳсин фантазиясида туғилган Лутфий образи мўътабар адабий манба сифатида китобхон эсида қолади ва бундан кейинги ижодий ишлар учун объектлик вазифасини ўтайди.

* * *

Ўзбек совет прозасида тарихий тематика масаласида ясалган шу обзордан, бу соҳада кейинги даврларда яратилган романлар, улар ҳақида баён қилинган фикрлардан кўриниб турадики, прозамиз тарихий темаларни ишлаш соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди ва таҳсинга сазовор ижодий маҳоратни намоён этди. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романларини рус тилига таржима қилиниши ва Иттифоқ китобхонлари томонидан қизғин

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутиб олиниши шуни кўрсатиб туради. Эндиликда ўзбек адабиётидаги тарихий романлар жаҳон адабиётидаги тарихий романларнинг энг яхши намуналари билан бўй ўлчаша оладилар. Улар тарих билан, жамиятнинг кечмиш ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий ва фалсафий проблемаларни ўзларида кўтариб чиқадилар ва уларни энг илғор ижодий-эстетик позицияларидан туриб ҳал қилиб берадилар.

Тарихий романларнинг яна бир муҳим фазилати шундаки, улар тарих илмини жуда муҳим бир нуқтада тўлдирадилар, бойитадилар. Тарихий роман тарих илми эмас, албатта. Лекин тарихий роман бадиий асар сифатида ўтмишни конкрет шахслар орқали, жонли лавҳаларда, кишилар фаолиятида кўрсатиб беради. Тарихий романларда тарихда баён қилинадиган алоҳида воқеалар, эпизодлардан ташқари кишиларнинг ҳаёти, уларнинг кечинмалари, кайфиятлари, психологик ҳолатлари ҳам гавдаланиб туради. Тарих илми кечмиш ҳаёт қонуниятларини бергани ҳолда, тарихий романлар шу қонуниятларни яққол кўрсатиб турувчи жонли шахсларни, улар фаолиятини гавдалантириб берадилар. Шу маънода тарихий романлар тарих илмига қараганда кенгроқ мазмунни аниқроқ ва конкретроқ формада ифода этадилар.

Ҳозирги прозамизда узоқ ўтмиш тематикаси устунлик қилади. XV—XVI асрлар ҳаётига бағишланган, учта забардаст ёзувчимиз учта роман яратди. Лекин бу тематиканинг энг шарафли ва муқаддас саҳифалари ҳам бор. Бу ўринда биз яқин ўтмишимиздаги революцион-озодлик ҳаракатларини, уларнинг унутилмас афсонавий қаҳрамонлари фаолиятини, Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш йўлида кураш олиб борган фидоийлар ҳаётини, ниҳоят, санъат, адабиётининг битмас-туганмас объекти бўлиб турган Улуғ Ватан уруши даври фидокорликларини кўзда тутамиз. Ўз талантлари ва меҳнатлари билан ижодий камолот манзилига етиб олган ёзувчиларимизнинг бу шарафли темаларда ҳам адабиёт хазинамиз мулки бўлиб қоладиган юксак асарлар яратишларига ишонамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi